



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 27 июнь, №133 (3245)

Жума

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авалло, ўзининг машаққатли меҳнати, ижодий салоҳияти билан жамиятимизда демократик матбуот ривожига муносиб ҳисса қўшиб келатган сиз, журналистларни, барча оммавий ахборот воситалари ходимларини кутлуг байрамнинг билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Бугун газета ва журналлар, радио ва телевидение тахририятларида, нашриётлар, матбаа корхоналари, матбуот тарқатиш идораларида хизмат қилаётган, бир сўз билан айтганда, умрини шу соҳага бағишлаган заҳматкаш инсонларнинг касб байрамидир.

Шу билан бирга, ушбу сана эркин сўз, ҳолисона ахборотни ўзи учун маънавий эҳтиёж деб билдирган, матбуот орқали ўз билим ва тафаккури, дунёқарашини кенгайтиришга интиладиган ҳар бир одам ҳаётида алоҳида ўрин тутadi, деб айтсак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мана шу айём муносабати билан биз матбуот ва ахборот воситаларини қизгин табриклар, уларнинг серқирра фаолиятига эътибор қаратар эканмиз, журналистларнинг оғир ва масъулиятли меҳнатини тасаввур қилиш, баҳолаш билан бир қаторда, яна бир бор мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, бу ишга ўз ҳиссамизни қўшиб ўйлашимиз табиий.

Бугун юртимизда халқимиз, аждоқларимиз неча асрлар озу қилган, умумбашарий ва миллий ғоялар ҳамда қадриятларнинг уйғунлигига асосланган янги давлат, янги ҳаёт, инсон эркин нафас оладиган, ўз фикрини мустақил ифода этиш имконига эга бўлган очиқ жамият куриши ва дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар билан ҳамнафас ва ҳамкор бўлиб яшаш — бизнинг эзгу мақсадимиздир.

Бугун биз, янги ХХI асрнинг ўзига хос белги-аломати бўлиши инфорацион "портлаш" рўй бераётган глобаллашув шароитида, ахборот коммуникациялари шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврга яшамокдамиз.

Илгари фараз қилиш ҳам қийин бўлган замонавий ахборот технологиялари ёрдамида дунёнинг уч чеккасида бу чеккасига яқин тегилидиган маълумот узатиш, ҳатто рангли тасвирларни етказиб бериш ҳам оддий ҳолга айланиб бормокда.

Лўнда қилиб айтганда, бугун ахборот учун ҳеч қандай чегара йўқ, эркин сўзга чегара қўйиш учун ҳар қандай интилиш ва ҳаракатлар бутунлай бефойда ва бесамар эканини, ўйлашманки, ҳар бир ақли расо одам англаб етadi.

Бундай вазият, бугунги замон, ўз навбатида, матбуот аҳли олдида янги ва ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Шулар қаторида ҳозирги кескин ўзгаришлар даврида Ватанмиз, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаши нақадар мураккаб жараёни эканини, ўз тиланган мустақил тараққиёт йўлидан собиққадамлик билан бориш йўқ қачон, ҳеч қайси миллат учун осон кечмаганини инобатга олган ҳолда,

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси танлов ҳайъати 2002 йилда алоҳида фаоллик кўрсатиб, самарали ижод қилган қуйидаги журналистларни

ЙИЛИНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ танлови ғолиби ва совриндорлари деб топди:

Комилжон ШАМСИДИНОВ — Ўзбекистон телевидениесидаги туркум ижтимоий-сиёсий кўрсатувлари учун (Журналист).

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ — "Халқ сўзи" газетасида эълон қилинган мақолалари учун ("Халқ сўзи" газетасининг Навоий вилоти мухбири).

Тўлқин РЎЗИЕВ — Болалар спорти мавзусидаги чиқишлари учун ("Спорт" газетаси мухбири).

Виктор ДЕГТЯРЕВ — Халқаро мавзудаги мақолалари учун ("Правда Востока" газетаси бош муҳаррири ўринбосари).

Хадича КАРИМОВА — Маънавий-маърифий мавзудаги мақолалари учун (Фаргона вилоти Охунбобоев тумани "Истиқбол йўли" газетаси бош муҳаррири).

Абдуғани ЖУМАЕВ — Республика матбуотида босилган фотопублицистик асарлари учун ("Ешлик" журнаси).

Қуйидаги журналистлар рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари бўлишди:

Жўра Бобораҳмат (ЎзТВ), Турсунбой Ботирбеков (ЎзА), Норбек Ниёзов (Ўзбекистон радиоси), Марат Таумуратов (Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси), Феруза Полтаева ("Еш куч" журнаси), Ментнор Олломурад (Қишлоқ ҳаёти) газетаси).

бугун ҳаёт олдимизга қўяётган муҳим ва долзарб вазифаларнинг мазмунини, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бериш, одамларнинг турли-туман қарашларини ифода қилиш ва мавжуд муаммоларни ечишда матбуотнинг роли ва аҳамияти бекиёсdir.

Оммавий ахборот воситалари воқеликни акс эттириш борасида фақатгина ёритувчи ва ифодаловчи бўлиб қолмасдан, аввалмбор, одамлар манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса бу ўта оғир, кучли иродани талаб қиладиган жаҳҳада том маънода филойлик кўрсатмоғи лозим.

Яна бир муҳим вазифа — дунёдаги замонавий ахборот технологиялари билан бирга, юксак профессионал маҳоратни эгаллаш, етук мутахассислар, таҳлилчи ва шарҳловчиларни, мухтасар айтганда, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган журналистларни тайёрлашдан иборат, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Миллий матбуотимизни биз ўзимиз орзу қиладиган халқаро талаблар даражасига кўтариш учун яна нима етишмайпти?

Мен, бунинг учун фақат тажриба, тажриба бўлганда ҳам, илғор, замонавий мезонларга мос келадиган тажриба керак, деб айтган бўлур эдим.

Шуни ҳам очиб айтишимиз зарурки, бизга бу борада баъзан шижоат етишмайпти. Етмиш йил давомида қон-қонимизга, суяк-суягимизга сингди кетган одатлар, яъни ҳокимият фаолиятига танқидий қўз билан қарашнинг йўқлиги, ҳаётда амалдорларнинг айтгани-айтган қабилдаги эскича кўникмалардан халос бўлиш оғир кечмоқда.

Шунинг учун ҳам бугун журналистлардан ишимизга ҳалақит бераётган ана шундай асоратларни бартараф этиш, жамиятимизда эркин фикр муҳитини қарор топтириш йўлида белни маҳкам боғлаб хизмат қилиш талаб этилмоқда.

Мен ишонаман, ўз Ватани ва халқига садоқатли бўлиш, азалий қадриятларимизни асраб-авайлаш, эл-юртимизнинг келажига ишонч билан қараш масаласида бизнинг журналистларимиз ҳеч қимдан кам бўлмаган ва ҳеч қимдан кам бўлмайди.

Азиз дўстлар! Барчангизни бугунги байрам билан яна бир бор кутлар эканман, фурсатдан фойдаланиб, аввало, матбуот соҳасига кўп меҳнати сингган мўтабар оқсоқолларимизга, яна узоқ йиллар орамызда юринг, соғ-омон бўлинг, деб ўз ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Матбуотимизнинг кутлуг дароҳига катта орзу-умидлар билан кириб келатган навқирон авлод номояндаларига эса, сизлар халқимизнинг олий мақсадларини рўбга чиқариш, ёруғ келажакимизни барпо этиш учун билимингиз, бор куч-ғайратингизни сафарбар этасиз, деб ишонч билдирман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ижодий қувончлар ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Жарқўрғон маррада

ТЕРМИЗ. (ЎА мухбири Ч.ТУХТАЕВ). Жарқўрғон тумани галлакорлари 22 минг 188 тонналик хирмон уйиб, давлатта дон тошириш шартнома-режасини муваффақиятли удаллади. Ҳосилдорлик ўртача 43 центнерга етди. Меҳнат галабасига "Оқўрғон", "Шарқ юлдузи", "Оқтепа", Н.Боймуродов номидаги, Навоий номидаги ширкат хўжаликларига катта ҳисса қўшди. Қўллаб-қувватлаш бўлими 50-60 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлди.

ҚИШ ҒАМИНИ ЁЗДА ЕГАН ЮТАДИ

Вазирлар Маҳкамасида Иқтисодиёт тармоқларини 2003/2004 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, компания, идора ва муассасалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг биринчи ўринбосарлари — ҳудудий комиссиялар раислари иштирок этди.

Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов бошқарди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 июнда қабул қилинган "Республика иқтисодиёти тармоқлари-



«ДАВР» ҚИЗИ ШАҲНОЗА

«Ёшлар» телеканали ранг-баранг кўрсатувлари билан кўпчилиكنинг диққатини тортган. Бу кўрсатувлар ичида «Давр»нинг алоҳида ўрни бор. Воқеа ва ҳодисаларни қисқа, лўнда, мазмунли, ўзига хос тарзда етказиб бериб, сеvimли кўрсатувга айланган.

СУРАТДА: «Давр» муҳаррири ва диктори Шаҳноза Усмонова.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Олий Мажлисда



ИЖРО ВА МАСЪУЛИЯТ

Бугунги кунда ҳаётимизда оммавий ахборот воситалари катта ўрин тутadi. Эндиликда биз дунёнинг турли минтақаларида бўлаётган воқеа-ҳодисалар билангина танишиб қолмасдан, балки уларда бериладиган рекламаларга ҳам ўрганиб қолдик. Ҳатто, оддий эълонларни ҳам газета ёки радио-телевидение орқали билдиб олаётиш. Лекин баъзан айрим рекламаларнинг сифати паст бўлишига қарамадан қайта-қайта берилавериши кишининг гашини келтиради. Бундай чоғда: «Тартибга солиб туриладиган мезон бормикин?» деган савол туғилади.

Кеча Матбуот ва ахборот қўмитасининг бўлиб ўтган йиғилишида худди шу масала ўрганилди. Қўмита раиси Уткир Ҳошимов бошқарган мазкур йиғилишда «Реклама тўғрисида»ги, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Қорақалпоғистон Республикасида ижроси муҳокама қилинди. Урганиш жараёнида маълум бўлдики, республикадаги телерадиокомпанияларда берилётган ре-

ламаларнинг аксарияти тижорат йўналишидаги рекламалар ҳисобланади. Таниқлаш керак, қўмита таъаббус билан республика ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан «Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишини назорат қилиб, 35 марта мониторинг ўтказилган. Бунда аниқланган камчиликлар ўз вақтида ҳал этилган. Бироқ рекламаларнинг қисқа, аниқ ва истеъмолчи таъсирчан бўлишини таъминлаш учун тажриба етишмаяпти. Бунга маълум маънода теле-радионинг ускуна ва жиҳозлари бутунлай эскирганлиги ҳам сабаб бўлаётгани айтилиб, буларни янгилаш бўйича талбирлар белгиланди.

Бундан ташқари, Оролбўйи туманларининг газета ва журналларида берилётган рекламаларга келсак, уларнинг нусхаси кам бўлишига қарамадан, ўз низомида белгиланганидек, тўлиқ ҳажмининг 40 фоизига эмас, балки 50, баъзиларида 70 фоизгача реклама берилган. Муҳокама жараёнида бунинг оқибатида газета ўз ўқувчиларининг қамалини ҳам сабаб бўлиши кўрсатиб

ўтилди. Шунингдек, республикада ташқи йўллар бўйидаги рекламалар борасида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Ҳар айтиш 30 та ташқи реклама мавжуд. Буни қўлайтиришнинг бирдан-бир йўли корхоналарга рекламалар учун ажратилган маблағнинг солиқдан озод қилинганлиги бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш зарурлиги эслатиб ўтилди.

«Ноширлик тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлашда муайян ишлар амалга оширилган. Айтиш керакки, республикада «Билим» ва «Қарақалпоқистон» нашриётлари фаолият кўрсатмоқда. Лекин ҳалигача нодавлат, яъни хусусий нашриётлар йўқ. Юқорида келтирилган нашриётларда жиҳозлар, асбоб-ускуналар эскирган. Оқибатда улар тендерларда ғолиб чиқолмаяпти. Бунинг учун нашриётларни замонавий техникалар билан жиҳозлашга эътибор қаратиш лозимлиги уқтирилади.

Йиғилиш сўнгида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Худойберди ЭШМАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

йил куз-қиш даврида ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалар, аҳоли яшаш масканларида бу борада амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги ахборотларни тингиланди. Йиғилишда мамлакатимизда тармоқлар, ишлаб чиқариш корхоналари, идора ва муассасаларининг барқарор ишлашини таъминлаш борасида кенг миқёсдаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, куз-қиш даврида катта қувват билан ишлайдиган электр станциялари, узатиш тармоқлари, қозонхоналар, шунингдек, газ ва сув қувурларини

йил куз-қиш даврида ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалар, аҳоли яшаш масканларида бу борада амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги ахборотларни тингиланди. Йиғилишда мамлакатимизда тармоқлар, ишлаб чиқариш корхоналари, идора ва муассасаларининг барқарор ишлашини таъминлаш борасида кенг миқёсдаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, куз-қиш даврида катта қувват билан ишлайдиган электр станциялари, узатиш тармоқлари, қозонхоналар, шунингдек, газ ва сув қувурларини

(Давоми 2-бетда).

«Ал-Мустақбал»:

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ — МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТИНЧЛИКНИНГ ЯГОНА ЭЛЧИСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Эронга расмий ташрифи натижалари, юқори даражадаги Ўзбекистон—Эрон учрашуви ҳамда Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Х.Қарзай иштирокидаги уч томонлама музокаралар ҳанузгача жаҳон оммавий ахборот воситалари диққат эътиборида.

Хусусан, Мисрнинг нуфузли нашрларидан бири бўлиши «Ал-Мустақбал» газетаси ўзининг июнь ойи сонида Техрон саммити натижаларига бағишланган «Ўзбекистон Президенти И.Каримов — Марказий Осиёда тинчликнинг ягона элчисиدير» сарлавҳали бош мақолани чоп этди.

Қуйида унинг тўла матни келтирилган:

Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилган интилоқда

2003 йилнинг 18 июнида Техронда уч томонлама Эрон—Ўзбекистон—Афғонистон саммити бўлиб ўтди. Ҳаётимизда деб баҳоланган ушбу саммитда Эрон ва Ўзбекистон икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик ва Афғонистонни қайта тиклашга қаратилган саккизта битим имзоланди. Олий даражадаги ушбу учрашув давомида Эрон, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида имзоланган энг муҳим ҳужжат Трансафғон йўлагини барпо этиш тўғрисидаги битим бўлди. Зеро, халқаро ҳамжамиятнинг асосий вазифаси деб Афғонистонни қайта тиклаш эътироф этилган.

Айни пайтда Ўзбекистон Афғонистон иқтисодиётини қайта қуриш ва барқарорлаштиришга қаратилган тақдирларни илгари сурди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Афғонистон бунёдкорлик ва иқтисодий лойиҳаларнинг катта бозорига айланди. Бугунги кунда мазкур лойиҳалар ирригация, электр энергияси ва телефон тармоқларини барпо этиш соҳаларида амалга оширилмоқда.

Мисол учун Жалолобод минтақасидаги ирригация лойиҳаси ҳажми 142,6 млн. АҚШ доллари, Сардиз шаҳридаги ирригация тизими лойиҳаси 58,3 млн. АҚШ доллари, Қурадаги ирригация тизими лойиҳаси 129,2 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Марказий Осиё давлатлари Президентлари орасида минтақавий миқёсда, хусусан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилган интилоқда ягона раҳбардир. Афғонистондаги вазият Президент Ислам Каримовни кўп вақтдан буён ташвишга солмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон Афғонистонга асфалт ва цемент заводини, электр энергияси ва телефони билан таъминланган уйлари қуришда ҳамда автомобиль йўллари ташвириладиган ёрдам бермоқда.

Кези келганда айтиш керакки, ҳозирги пайтда Афғонистон электр энергияси танқислигини ўз бошидан кечирмоқда. Шу боис Ўзбекистон қўшни мамлакатнинг шимолий ҳудудларига электр энергиясини етказиб беришда ва ўзининг жанубий ҳудудларидан Афғонистон пойтахтига қадар 82,1 млн. АҚШ доллари миқдоридagi электр энергияси тармоғини қуришда ёрдам бермоқда, деб таъкидлайди газета.

«Жаҳон» АА.



«Ҳар қайси инсон буюк куч соҳибидир, фақат уни уйғота билиш керак»

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида, шаҳару қишлоқларида, қўйиники, ҳамма жойда энг улуг, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 12 йиллигини муносиб кутиб олиш учун катта яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, тахририятимизда ҳам бу кутлуг сана олдидан «Ҳар қайси инсон буюк куч соҳибидир, фақат уни уйғота билиш керак» шiori остида «Кутлуг тўйинг муборак, юртим!» номли махсус дастур ишлаб чиқилди.

Дастурнинг асосий мақсади мустақиллик гоиларини юртдошларимиз шууринга янада тирақроқ синдириш, халқ ичига чуқурроқ кириб бориш, республикамизда 12 йилда қўлга киритилган муваффақиятларни кенгроқ ёритиш, миллий гуруҳни янада кўтариш, жойларда улуг байрамга қўриладиган катта таъбирларни тарғиб қилишдан иборат. Энг асосийси, «Истеъодли ўн икки ёш — истиқлолга тенгдosh» шiori остида ёш истеъодларини топиш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилган.

Авал хабар қилганимиздек, мазкур тадбир Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида бошланиб, кўтаринки руда ўтди. Бу ҳақда газетамизнинг 3-саҳифасида ўқийсиз. Газеталаримизнинг бундай байрамолди учрашувлари давом этади.



ҲАР ҚАЙСИ ИНСОН БУЮК КУЧ СОҲИБИДИР. ФАҚАТ УНИ УЙҒОТА БИЛИШ КЕРАК.

Ислом КАРИМОВ

Андижон

Андижонга таъриф бериб ўтиришга ҳожат бўлмас керак. Фарғона томондан ҳам, Наманган томондан ҳам, Уш томондан ҳам Андижон вилояти худудига ўтишингиз билан кўз олдингизда ўзгача бир манзара намойиш бўлади. Кенг ва раvon йўллар. Йўлнинг икки чети эса то Андижон қадар гулларга бурканган. Атрофга — пахтазор ва галлазорларга қараб кўнгилнинг ғайрилади. Ғузлар аллақандай шонали бошлаган. Ҳосили бўйиқ бўлгўзорлар эса кўшда ялтираб кўнгиғизни қамаштириди. Меваси гарқ пилган боғларни айтамангиз...

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таъририятининг истиқлолигининг ўн икки йиллигига бағишлаб «Кутлуғ тўғри муборак юртим!» шiori остида ўтказилган тадбирларнинг Андижондан бошланганини ҳам рамзий маъноси бор. Андижон бутун барча соҳаларда мамлакатимизда биринчи, илгор.

Вилоятнинг Избоскан тумани маркази Пойтуғ шаҳридаги сўлим маданият ва истироҳат боғи байрамона безилган. Газеталар таъририятлари ҳошимларнинг туман аҳли билан учрашуви шу боғда бўлиб ўтди.

Маълумки, Андижонда пахтачилик ва ҳалқчиликда ўзига хос таъриҳа мактаби яратилган. Вилоятда фермерлар ҳаракати ҳам кенг ўйил очилган. Шунинг учун ҳам бу ерда фермерлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, Уттан йили улар сони 3388 нафарни ташкил этган бўлса, бир йил давомида улар санига яна саксон нафар мулкдор қўшилди. Истиқлол қадридорлари бўлган Қўрғонтепадаги «Аваз» фермер ҳўжалиги Раҳбар Комилжон Солиқов, Мархаматгай «Шуҳрат» фермер ҳўжалиги бошлиғи Тошмирза Нурисев, Жалолқуддага «Истиклол» фермер ҳўжалиги етакчиси Маҳбуба Отабоева ва бошқа улар, юзлаб қишлоқ мулкдорлари ўзларининг ранг-баранг маҳсулотлари билан мамлакатимиз ички истеъмол бозорини бойитишмоқда.

Богнинг каттагина қисмида хунармандлар, зардулар, рассомлар асарлари кўргазмалари ташкил этилди. 11, 24, 12-мактаб ёшларининг ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, нафис санъат мактаби ўқувчиларининг ранг-таъсир асарлари кўргазмалари барчада катта таассурот қолдирди. Узбекистон Бадий ака-

хон ўртасидаги масофани яқинлаштириш, ўқувчилар ичига кенроқ кириб бориш, уларнинг газета ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билиш эди.

Пойтуғлик газетхон М. Аҳмедова ўз фикрини шундай ифололади: «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари истиқлолими тенгдоши. Ун икки йил катта мулдат эмас. Лекин шу қисқа фурсат ичида у ўз ўрнига эга бўлди, ўз ўқувчиларини топа олди, мамлакатимиздаги энг етакчи газетга айланди.

Шу ўринда айрим истақларини ҳам билдиришим мумкин. Мен бир ўқувчи сифатида бери сифатида қатнашган эди. Унинг «Маҳаллада тўй» мавзудаги расми кўргазмада энг юрми баҳоланиб, биринчи ўринга лойиқ топилди. Мурғак қаб эгасининг бу ютуғи Истиқлол шарофати, мамлакатимизда истеъдодли, иқтидорли ёшлар тобора кўпайиб бораётганининг ёрқин кўриниши эди, албатта.

Шу муносабат билан Юрғонтепа Диффузанинг онаси Тожибарон Матбобоевага мактуб йўллаб, юртимизнинг олис бир қишлоғида яшайдиган олдий ўзбек қизининг бу ютуғи бутун халқимизнинг, авваламбор, ҳаётга умид ва ишонч билан қадам қўяётгани, унинг-ўсиб келаётган ёшларимизнинг кувончи, миллий гуруримизни оширадиган салохиятимизни намойиш этганига яна бир далил, дея умид билдиришди. Бунга жаъобан Диффуза ва унинг тенгдошлари астойдил ўқиб, хунар ўрганиш, мустақил ўзбекистонимизнинг халқимизнинг қорига ярайдиган ўғил-қизлар бўлишига сўз берган эдилар.

Эндилдики бу даргоҳдан унлаб талантлар етишиб қилди. Кўргазмадан ўрин олган «Қишлоқда тўй», «Маҳаллада байрам», «Ўрик гулдағанда», «Ҳашар», «Ҳамқишлоқлар» ден номланган унлаб ранг-таъсир асарлар қалбларда умид ва ишонч уйғотди.

Анжумани ўзбекистон халқ шiori Тулан Низоом бошқари. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Бош муҳаррири Аббосхон Усмонов мустақиллик йилларида барча жа-



демиясининг Избоскандаги таъсиринг ва амалий санъат лицейи ижодкор ёшлари бу кўргазмада фаол иштирок этди. Лицейда жуда кўп иқтидорли болалар таълим олишмоқда. Шулардан бири Диффуза Матбобоевадир.

У японларни ҳам лол қолдирган

Диффуза бундан ун-тўрт йил бурун Япониянинг Хиросима шаҳрида «Хайр, XX аср, Салом XXI аср!» шiori остида ўтказилган халқорасм кўргазмада беш минг иштирокчилари билан мамлакатимиз ички истеъмол бозорини бойитишмоқда.

Богнинг кириш қисмида шу фермерлар ўз маҳсулотларини намойиш этишди. Мехмонларда айниқса «Усмонов ҳожи» фермер ҳўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар катта таассурот қолдирди.

Улар оилада еттига ўтирди. Ота бир кунги ўқувчиларининг бир ерга йиғиб қўйишнинг чорвачилик фермаси «Кимчи» сандосига қўйилди, сотиб олаймикин, дея маслаҳатланди. Ҳамма рози бўлди. Банкдан саккиз миллион сўм кредит олди. 350 боғ қорамоли бор ферма шахсий мулкка айланди. Ем-хашак етиштириш учун 173 гектар ер ижарага олди. Шундай қилиб Андижон туманидаги «Усмонов ҳожи» фермер ҳўжалиги ташкил топиб, оёққа турди.

Орадан икки йил ўтди. Абдурахмон Болтабоев чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳаракатида тушди. Чунки маҳсулот қўпайиб, уни бозорда сотишни ундаб бўлмади қолди. Ушанда 1997 йил эди. Ота-болалар аввалта биро кўрқиди. Лекин кўз кўрққил, қўл ботир, дейдилар. Орадан кўп ўтмай кунинга ўн тонна сунга қайта ишлаш олаётган ихчам шех барпо этилди. Шу билан бирга фермер қатор халқорасм ташкилотларга бизнес-режасини тақдим этиб, 98 минг АҚШ доллари миқдоринда имтиёзли кредит олди. Шу пулга Ита-

ли ва Даниядан қўшимча илгор технологиялар харид қилинди. Бугунги кунда Болтабоевлар корхонасида ўн етти хил турдаги сўт маҳсулотлари тайёрланмоқда ва ихчам идишларга қадоқланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш ўринлики, Абдурахмон Болтабоев пешона тери билан топтаётган даромадининг бир қисмини Ёрбоши қишлоғидаги янги мактабларга, Дамашқ маҳалласи ободончилигига сарфламоқда.

Богнинг каттагина қисмида хунармандлар, зардулар, рассомлар асарлари кўргазмалари ташкил этилди. 11, 24, 12-мактаб ёшларининг ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, нафис санъат мактаби ўқувчиларининг ранг-таъсир асарлари кўргазмалари барчада катта таассурот қолдирди. Узбекистон Бадий ака-

хон ўртасидаги масофани яқинлаштириш, ўқувчилар ичига кенроқ кириб бориш, уларнинг газета ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билиш эди.

Пойтуғлик газетхон М. Аҳмедова ўз фикрини шундай ифололади: «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари истиқлолими тенгдоши. Ун икки йил катта мулдат эмас. Лекин шу қисқа фурсат ичида у ўз ўрнига эга бўлди, ўз ўқувчиларини топа олди, мамлакатимиздаги энг етакчи газетга айланди.

Шу ўринда айрим истақларини ҳам билдиришим мумкин. Мен бир ўқувчи сифатида бери сифатида қатнашган эди. Унинг «Маҳаллада тўй» мавзудаги расми кўргазмада энг юрми баҳоланиб, биринчи ўринга лойиқ топилди. Мурғак қаб эгасининг бу ютуғи Истиқлол шарофати, мамлакатимизда истеъдодли, иқтидорли ёшлар тобора кўпайиб бораётганининг ёрқин кўриниши эди, албатта.

Шу муносабат билан Юрғонтепа Диффузанинг онаси Тожибарон Матбобоевага мактуб йўллаб, юртимизнинг олис бир қишлоғида яшайдиган олдий ўзбек қизининг бу ютуғи бутун халқимизнинг, авваламбор, ҳаётга умид ва ишонч билан қадам қўяётгани, унинг-ўсиб келаётган ёшларимизнинг кувончи, миллий гуруримизни оширадиган салохиятимизни намойиш этганига яна бир далил, дея умид билдиришди. Бунга жаъобан Диффуза ва унинг тенгдошлари астойдил ўқиб, хунар ўрганиш, мустақил ўзбекистонимизнинг халқимизнинг қорига ярайдиган ўғил-қизлар бўлишига сўз берган эдилар.

Эндилдики бу даргоҳдан унлаб талантлар етишиб қилди. Кўргазмадан ўрин олган «Қишлоқда тўй», «Маҳаллада байрам», «Ўрик гулдағанда», «Ҳашар», «Ҳамқишлоқлар» ден номланган унлаб ранг-таъсир асарлар қалбларда умид ва ишонч уйғотди.

Анжумани ўзбекистон халқ шiori Тулан Низоом бошқари. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Бош муҳаррири Аббосхон Усмонов мустақиллик йилларида барча жа-

ҳа эгалари қатори журналистлар ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар бўлганини таъкидлади. Хуқуқий демократик жамият сари қалам қўйиладиган даврда қалам-кашлар олдига турган вазифалар, талаблар ҳақида сўз юритди.

Китобхонлар ўзлари ёқтирган суюб ва севиб ўқийдиган асарлар муаллифлари билан учрашишни, дийдорлашишни сонинган кўринадилар. Улар Олий Мажлис депутати, Матбуотни қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш ижтимоий-сиёсий жаъмаси ҳамраси, «Ўзбекистон матбуоти» журналисти Олий Мажлис депутати, «Афанди» газетасининг бош муҳаррири Ашурали Жўраевларни қизини қарши олдилар.

Бу учрашувлардан қўзланган асосий мақсадлардан бири газета ва газет-



Фарғона

Ун икки йил... Бола ёши. Аммо шу қисқа мулдат ичида воқидида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишларини кўриб, ростки, ҳайратландик. Равон, гулларга бурканган, жаҳон андозлари даражасида қурилган йўллар, бир-биридан қилинмайдиган спорт майдонлари, гузаб боғлар, ине-бонлар, дунёга ўзбекистон буй-бастини намойиш қилгандай булдулар билан сўзлашиб турган осмонлар иншоотлар қаринишда туриб, «Ортимиз, Ўзбекистонимиз!» дея гурурландик. Қурилган, қуриладиган, ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан хорижликларни ҳам қойиб қолдирадиган корхоналарда бўлиб, «Бор-йўғи 12 йилда!» дея кўкрак кердик. Танги, меҳнатқаш, бунёдкор халқимиз борлигини фарқладик, урашувларини шу боисдан ҳам халқ сайига, байрамларга айланб кетганини кўриб, дилдан қувондик.

Воқидий ҳар бир вилоятнинг ўзига хос жиҳатлари талайгина. Фарғонада буларнинг ичида, леҳқон хунармандлар шoirи ёзувчилар, қўшқинчи-ю кизинчилар, кекса оқоқолоғи элигинга 12 баҳорни қарши-

лаган жажжи истеъдод соҳиблари билан учрашганимизда, дилдан сўхбатлар қурганимизда буни яна бир бор ҳис этдик.

Вилоятнинг Учқўприк тумани Деҳқонлов номидаги жамоа ҳўжалигидаги дала шийонида ўтказилган дастлабки учрашуви туман ҳоқими, Олий Мажлис депутати Азим Муҳиддинов оғиб тadbирининг айнан Учқўприкда ўтказилган мамнун эканлигини изҳор қилди. Фарғонада истиқлол йилларида қўлга киритилган, киритилмайдиган муваффақиятлар ҳақида вилоят ҳоқимининг ўринбосари Ҳаётхон Каримов тўққинчилар гапирди. «Обод юртининг обод маҳалласи» мавзусида 12 та маҳалла оқоқолоғи билан бўлган мулоқот тахлилий жиҳатлари билан ибратли бўлди. Айниқса, «Истеъдодли ўн икки ёш — истиқлолга тенгдош» танловига ёш ижодкорларнинг «чиқарилиши» учрашуви руҳини тэрарок очиб беришга хизмат қилди. 12 қизқичқининг беллашуви, ҳофизларнинг юртни, истиқлолни тэрарурум этувчи қўшқинлари дароғата янада фаёз, шухук бахш этди. Меҳнатқашлар билан

булган таъририят ижодкорларининг очиқ савол-жавоб-мулоқоти юртдошларимизнинг кўнглида йиғилиб қолган мулоҳаза, муаммо ва тақлифларини айтиб олишлари учун минбар бўлди.

«Езувчи-шoirлар, санъаткорлар юрти — Қўқон шаҳридаги «Халқ сўзи» ва «Народное слово» халқ хизматлари» шiori остида ўтган учрашуви чин маънода байрамга айланди. Фарғоналик ҳофизлар, қизқичю асияқлар, саҳна усталарию шoirлар ўз ҳамшаҳарларини ижодларидан баҳраманд этишган бўлса, гуруҳ аъзолари истиқлол берган неъматлар, имкониятлар ҳақида тўққинчилар гапириб, қўқонликлар билан дилдан сўхбат қуришди.

«Кутлуғ истиқлол байрамимиз олдидан ўтадиган «Қўқон оқсоқолари» номи халқ кунини булданган кичик байрамимизни бошлаб бердиларинг, — дейди бундан бундан шайх ҳоқими А. Ҳўжаев. — Бугунги сўхбатлар давомида «Халқ сўзи» чин маънода халқ сўзи эканлигини амалда ибодатлади. Ишонимлики, газеталар бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таъририятлари Намангандаги учрашуви ўзгача руҳда бошланди. Вилоят ҳоқими Тўлқин Жаъоборов ижодкорларни қабул қилиб, амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ишохотлар, юз берётган ижобий ўзгаришлар ҳақида сўзлаш берди.

Вилоятда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Наманганда бутун бошли болалар спорти шаҳарчаси бунёд этилмоқда.

Учрашува, шунингдек, журналистнинг бугунги ҳаётдаги ўрни ҳақида ҳам гапирди. Мухбир ҳолис ва ҳалол бўлса, ҳеч қачон истақ билдириди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таъририятлари Намангандаги учрашуви ўзгача руҳда бошланди. Вилоят ҳоқими Тўлқин Жаъоборов ижодкорларни қабул қилиб, амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ишохотлар, юз берётган ижобий ўзгаришлар ҳақида сўзлаш берди.

Вилоятда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Наманганда бутун бошли болалар спорти шаҳарчаси бунёд этилмоқда.

Учрашува, шунингдек, журналистнинг бугунги ҳаётдаги ўрни ҳақида ҳам гапирди. Мухбир ҳолис ва ҳалол бўлса, ҳеч қачон истақ билдириди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таъририятлари Намангандаги учрашуви ўзгача руҳда бошланди. Вилоят ҳоқими Тўлқин Жаъоборов ижодкорларни қабул қилиб, амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ишохотлар, юз берётган ижобий ўзгаришлар ҳақида сўзлаш берди.

Вилоятда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Наманганда бутун бошли болалар спорти шаҳарчаси бунёд этилмоқда.

Учрашува, шунингдек, журналистнинг бугунги ҳаётдаги ўрни ҳақида ҳам гапирди. Мухбир ҳолис ва ҳалол бўлса, ҳеч қачон истақ билдириди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таъририятлари Намангандаги учрашуви ўзгача руҳда бошланди. Вилоят ҳоқими Тўлқин Жаъоборов ижодкорларни қабул қилиб, амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ишохотлар, юз берётган ижобий ўзгаришлар ҳақида сўзлаш берди.

Вилоятда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Наманганда бутун бошли болалар спорти шаҳарчаси бунёд этилмоқда.

Наманган

Наманган мамлакатимизда ўз мактеби, ўзига хос ананаларига эга вилоятлардан. Мустақилликнинг ўтган ўн икки йилида бу ерда иқтисодий, ижтимоий, маданият-маърифий соҳаларда катта ютуқларга эришилди. Вилоятда исоҳотларни чуқурлаштириш, халқ фаронволигини ошириш, аҳоли ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш борисида изчил иш олиб боришмоқда. Юртбошимиз 1999 йил декабрида вилоятдаги сайловчилар билан учрашува бу меҳнатқаш юрт ҳақида гапирди.

«Наманган деганда мен заҳматқаш, меҳмондўст, иймон-эътиқоди баъкуват, юксак маънавий фазилатлари билан ажралиб турадиган одамларни кўз олдимга келтираман», дея таъкидлагандилар.

Қадимий Ахсекинг шаҳри ва Мунчоктепадан қазиб

булган таъририят ижодкорларининг очиқ савол-жавоб-мулоқоти юртдошларимизнинг кўнглида йиғилиб қолган мулоҳаза, муаммо ва тақлифларини айтиб олишлари учун минбар бўлди.

«Езувчи-шoirлар, санъаткорлар юрти — Қўқон шаҳридаги «Халқ сўзи» ва «Народное слово» халқ хизматлари» шiori остида ўтган учрашуви чин маънода байрамга айланди. Фарғоналик ҳофизлар, қизқичю асияқлар, саҳна усталарию шoirлар ўз ҳамшаҳарларини ижодларидан баҳраманд этишган бўлса, гуруҳ аъзолари истиқлол берган неъматлар, имкониятлар ҳақида тўққинчилар гапириб, қўқонликлар билан дилдан сўхбат қуришди.

«Кутлуғ истиқлол байрамимиз олдидан ўтадиган «Қўқон оқсоқолари» номи халқ кунини булданган кичик байрамимизни бошлаб бердиларинг, — дейди бундан бундан шайх ҳоқими А. Ҳўжаев. — Бугунги сўхбатлар давомида «Халқ сўзи» чин маънода халқ сўзи эканлигини амалда ибодатлади. Ишонимлики, газеталар бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таъририятлари Намангандаги учрашуви ўзгача руҳда бошланди. Вилоят ҳоқими Тўлқин Жаъоборов ижодкорларни қабул қилиб, амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ишохотлар, юз берётган ижобий ўзгаришлар ҳақида сўзлаш берди.

Вилоятда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Наманганда бутун бошли болалар спорти шаҳарчаси бунёд этилмоқда.

Учрашува, шунингдек, журналистнинг бугунги ҳаётдаги ўрни ҳақида ҳам гапирди. Мухбир ҳолис ва ҳалол бўлса, ҳеч қачон истақ билдириди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таъририятлари Намангандаги учрашуви ўзгача руҳда бошланди. Вилоят ҳоқими Тўлқин Жаъоборов ижодкорларни қабул қилиб, амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ишохотлар, юз берётган ижобий ўзгаришлар ҳақида сўзлаш берди.

Вилоятда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Наманганда бутун бошли болалар спорти шаҳарчаси бунёд этилмоқда.

эл назаридан қолмайди. Шунинг учун ҳам халқимиз журналистлардан воқеа ва ҳодисаларга ҳолис фикр билдиришни кутмоқда, — деди вилоят ҳоқими.

«Кутлуғ тўғри муборак юртим!» тантаналари Чуст шаҳридаги Мавлоно Луғфулло номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Тадбирни туман ҳоқими Турдали Қўзибоевич очиб, Истиқлол байрамини муносиб кутиб олиш учун туман меҳнатқашлари амалга оширадиган ишлар ҳақида гапирди.

Шундан сўнг «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррири Аббосхон Усмонов, Ўзбекистон халқ шiori Анвар Обиджон, Матбуотни қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш ижтимоий-сиёсий жаъмаси ҳамраси, «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири, ёзувчи Хуриш Дўстмухам-

мад, «Машғум» журнали бош муҳаррири Ашурали Жўраев сўзга чиқиб булганга ўзбек матбуоти олдига турган вазифалар, унда ҳақ сўз айтиш маъсулияти ҳақида гапирдилар.

Юртимиз истиқлолининг 12 йиллигига бағишланган бу учрашува газета ижодкорлари ва муштарийлар ўртасидаги қизгин ижодий мулоқотга айланб кетди. Меҳнат фахрийси Иброҳим Далажонов, Уйчи туманидаги А. Мўминов номи ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Т. Исмаилова сўзга чиқиб, газета давр билан ҳамнафас, ҳамқадм эканлигини айтди, Зулфия номидаги давлат мукофоти лауреати, шoirи Гулчехра Зокирова (Беназир) «Халқ сўзи» саҳифаларида хаваскор ижодкорлар асарларига ҳам кенг-роқ ўрин берилса, деган истақ билдириди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таъририятлари Намангандаги учрашуви ўзгача руҳда бошланди. Вилоят ҳоқими Тўлқин Жаъоборов ижодкорларни қабул қилиб, амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ишохотлар, юз берётган ижобий ўзгаришлар ҳақида сўзлаш берди.

Вилоятда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Наманганда бутун бошли болалар спорти шаҳарчаси бунёд этилмоқда.

Учрашува, шунингдек, журналистнинг бугунги ҳаётдаги ўрни ҳақида ҳам гапирди. Мухбир ҳолис ва ҳалол бўлса, ҳеч қачон истақ билдириди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таъририятлари Намангандаги учрашуви ўзгача руҳда бошланди. Вилоят ҳоқими Тўлқин Жаъоборов ижодкорларни қабул қилиб, амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ишохотлар, юз берётган ижобий ўзгаришлар ҳақида сўзлаш берди.

Вилоятда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Наманганда бутун бошли болалар спорти шаҳарчаси бунёд этилмоқда.

Учрашува, шунингдек, журналистнинг бугунги ҳаётдаги ўрни ҳақида ҳам гапирди. Мухбир ҳолис ва ҳалол бўлса, ҳеч қачон истақ билдириди.

Шундан сўнг «Истеъдодли ўн икки ёш — истиқлолга тенгдош» танлови бошланди. Унинг қатнашчилари — шеър ёзиш, рақсга тушиш, расм чизиш, қўшиқ айтиш ва спортда алоҳида иқтидорга эга бўлган муҳал ёшдаги ўғил-қизларга таъририятнинг эсдалик совғалари топширилди. Шу кунни яна бир хайри ишга қўл урилди. Намангандаги 26-Меҳрибонлик уйи «Халқ сўзи» ва «Народное слово» таъририятлари оталигига олдилар. Бу меҳрибонлик уйи 1942 йилда ташкил этилган. Ҳозир унда 153 нафар кўнгли кемик болалар тарбия олишапти. Шу ерда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш зарур. Меҳрибонлик уйида тарбияланаётганларнинг кўзи иқтидорли болалар саналади. «Истеъдодли ўн икки ёш — истиқлолга тенгдош» танловига иштирок этганларнинг кўчилиги ҳам шу ерда тарбияланаётган болалар эди.

Узбекистон халқ артисти Уринбой Нуралiev раҳбарлигидаги санъаткорларнинг ранг-баранг дастурини сўнг «Ватан гулларга буркансин» шiori остида гулчилар кўргазмаси уюштирилди. Шунингдек, «Юртимиз зукколари» танловида 12 нафар ҳамширалар беллашилди. Ҳар икки танлов гўлибларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бир сўз билан айтганда, энг улғу, энг азиз байрамимиз, Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таъририятлари «Кутлуғ тўғри муборак юртим!» шiori остида Фарғона водийси меҳнатқашлари билан учрашувлари муваффақиятли ўтди. Бундай мулоқотлар истиқлол гошларини юртимиз меҳнатқашлари қалбига янада чуқурак сингирганига, мамлакатимизнинг чеҳра қишлоқларида яшаб меҳнат қилаётган юртдошларимиз ва газеталар ўртасида алоқаларининг янада кенгайишига хизмат қилишига ҳеч шубҳа йўқ.

Намангандаги учрашувлардан сўнг биз бир неча муштарийлар

ЖАМИЯТ ВА ҲОКИМИЯТ ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК

(Давоми. Боши 2-бетда).

Хуқуқни қўллаш амалиёти. Ахборот соҳасида юзага келадиган баҳсли ва зиддиятли вазиятларнинг судларда кўрилиши жуда ҳам кам учрайди. Бу бир вақтнинг ўзига, ҳам қувончи, ҳам ташвишли ҳолдир. Қувонарлиси шундаки, мазкур соҳада судлов жараёнларининг кузатилаётгани, бир томондан, гўёки ОАВ иштирокидаги зиддиятли вазиятларнинг йўқлигини кўрсатади. Ранжитилган жиҳати эса қорғиқли экспертиза фикрича, ОАВ зиддиятсизлиги матбуотнинг оғриқли масалаларни ёритиш, баҳс-мунозараларга киришиш, бошқача айтганда, «уйдаги гапни кўчага олиб чиқиш», яъни салбий воқеа-ҳодисаларни ва далилларни оммага ошқор этишини истамаслигининг яққол белгисидир. Ушбу кўринишдаги зиддиятсиз ОАВ ривожланган демократияга хос эмасдир. Шу сабабли, ОАВ соҳасидаги хуқуқни қўллаш амалиётини ОАВни эркинлаштиришга таъсир этувчи омил сифати-

да эмас, балки бу соҳани либераллаштиришнинг кўрсаткичи тарзида талқин этиш мақсадга мувофиқдир. **ОАВнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш омиллари.** Маълумки, матбуот эркинлигининг кафолати—бозор муносабатларининг ривожланишидир. Бозор муносабатларининг ривожланиши, чинакам рақобатчиликнинг вужудга келиши газета ва журналларни нашр қилиш учун зарур бўлган компонентлар бозори, матбаа-ноширлик хизматлари бозори, ОАВни тарқатувчилар бозори ҳамда реклама бозори кенгайтишига таъсир кўрсатади. Оммавий ахборот воситасида эса иқтисодий ҳамкорлар танлаш, эркин матбуот гарови бўлган мустақил иқтисодий субъект юриштирининг реал ва кенг қўламли имкониятлари пайдо бўлади. Шундай қилиб, бозор муносабатларининг ривожланиши сўзсиз мустақил матбуотнинг сифатли тараққиётини олиб келади. Бироқ мазкур жараён ОАВнинг иқтисодий хуқуқлари қонунчиликда мус-

тақамланган тақдирдагина амалга ошади. Давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлиснинг иккинчи чакриқ IX сессиясида таъкидланганидек, ОАВнинг иқтисодий хуқуқлари «ОАВ соҳасида иқтисодий муносабатларини асослар тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солиниши керак. Бошқа томондан, ушбу қонун вазифаси жинойи гуруҳларнинг матбуотдан аширин даромадларини ўзлаштириш учун тижорий лойиҳалар шаклида ёки бошқа соҳалардаги манфаатларини лоббилаштириш (илгари суриш) воситаси сифатида фойдаланишига йўл қўймаслик ҳамда ОАВ молиявий-иқтисодий фаолиятининг «шаффофлигини» таъминлашга кўмаклашишдан иборат бўлмоғи керак. **Матбуот соҳасида ўз-ўзини бошқариш механизмларининг етарлича шаклланиши.** Ўзбекистонда ОАВ ҳодимларининг хуқуқларини ҳимоя қилувчи, уларнинг манфаатларини ифода этувчи, журналистлар жамоатчилигининг ривожланиши ис-

тиқболларини белгилувчи, профессионал фаолиятнинг ички қоидаларини тартибга солувчи самарали корпоратив тузилмалар мавжуд эмас. Журналистлар иттифоқи ёки бошқа кўринишдаги профессионал бирлашув тузилмаларини ташкил қилиш гоёки Ўзбекистондаги журналистика жамоатчилиги орасида анчадан бери муҳокама қилинмоқда, бироқ уни амалга ошириш имконияти сўнгги вақтларда янада кучайди.

Бундай ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири, ўйлашимизча, миллий ОАВни молиявий-иқтисодий, хуқуқий, ташкилий, техникавий қўллаш, профессионал кадрлар билан таъминлаш, матбуот ва электрон нашірлар бозорини такомиллаштириш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш, хорижда тажрибадан ўтказилган матбуотнинг ўз-ўзини бошқариш механизмларини мамлакатимиз шaroитларига мослаштиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Матбуот мутахассислари касба иттифоқининг фаолияти юқорида зикр этилган камчилик ва муаммоларни бартараф этишга қаратилган бўлиб, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдаги ахборот субъектларининг асосий йўналишлари қаторидан ўрин олган ОАВни либераллаштиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшиши даркор.

Раҳимжон МАҲКАМОВ, сўбатшунос.

Ўзбекистон мактабларига компьютерлар

АҚШ ҳукумати билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ўртасида ҳамкорлик бўйича иккита ўқув дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурлардан бири «Ўзбекистон мактабларида компьютерлар» лойиҳаси АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги молиявий кўмакда юзага келган. Бу лойиҳа доирасида жойларда ресурсларни очиш режалаштирилди. Янги жиҳозланган компьютер синфлари негизда фаолият кўрсатилган бу марказлар ўқитувчилар жамоаси ва мактаб маъмурияти компьютер саводхонлигини ошириш масалалари билан шуғулланади. Табиий фанлар, фуқарошунослик, тарих ва чет тилларини ўрганиш жараёнларида компьютер технологияларини жорий этиш методикасига доир машғулотлар ҳам ташкил қилинади.

Ақбар АЛИЕВ.



SHAYHONTONUR TEXTILE

AYGEN COLLECTION

МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:



Аёллар, болалар ва эркаклар учун юқори сифатли спорт ва трикотаж кийимлари.

Тадбиркорларни Ўзбекистон ва МДХ бўйича дистрибуторликка таклиф этамиз.

Манзил: Тошкент шаҳри, Максуд Шайхондор кўчаси, 1-уй. Тел.: 116-86-57. Факс: 116-86-53. Муюкот учун шахс: Абдулвоҳит Ибрагимов. E-mail: shayhontohur.textil@uzp.kz www.shayhontohur.com

Давр Эшлар!

МАКТАБ, ЛИЦЕЙ, КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ!
КЕЛАЖАҚДА ЖАҲОН МЕҲНАТ БОЗОРИДА ЎЗ ТАНЛАГАН КАСБИНИГИЗ
БЎЙИЧА РАҚОБАТБАРДОШ, ЕТУК МУТАХАССИС БЎЛИШНИ ОРЗУ ҚИЛГАН БЎЛСАНГИЗ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИГА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

2003-2004 ўқув йилида бакалавриятнинг қуйидаги йўналишлари бўйича қабул эълон қилинади:

ИҚТИСОД-МУҲАНДИСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

Дизайн(к.)	30 киши
Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича) (к.)	35 киши
Менежмент (соҳалар бўйича) (к.,с.)	50 киши
Маркетинг (тармоқлар бўйича) (к.)	30 киши

КОН-ГЕОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

Фойдали қазилмалар геологияси ва қидирув ишлари (к.,с.)	80 киши
Металлургия (к.,с.)	65 киши
Кончилик электромеханикаси (к.)	35 киши
Геодезия, картография ва кадастр (к.)	30 киши
Кончилик иши (к.,с.)	110 киши
Ҳаётий фаолият хавфсизлиги (к.)	30 киши

ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Иссиқлик энергетикаси (к.,с.)	105 киши
Электр энергетикаси (к.,с.)	90 киши
Гидроэнергетика (к.)	30 киши
Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологияси (к.,с.)	85 киши
Энергияни тежовчи электротехника тизимлари ва комплекслари (к.,с.)	45 киши

МЕХАНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (к.)	30 киши
Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш (к.,с.)	55 киши
Технологик машиналар ва жиҳозлар (к.,с.)	35 киши
Энергетика машинасозлиги (к.)	30 киши
Ер усти транспорт тизимлари (к.,с.)	45 киши
Пайвандлаш ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси (к.)	30 киши
Агроинженерия (к.)	30 киши

ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Асбобсозлик (к.)	50 киши
Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш (к.)	35 киши
Электроника ва микроэлектроника (к.)	80 киши
Автоматлаштириш ва бошқарув (к.,с.)	85 киши
Радиотехника (к.)	35 киши

КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

Информатика ва ахборот технологияси (к.,с.)	120 киши
---	----------

НЕФТЬ ВА ГАЗ ФАКУЛЬТЕТИ

Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича) (к.)	30 киши
Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси (к.,с.)	55 киши
Нефть ва газ иши (к.,с.)	140 киши
Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича) (к.)	30 киши
Касб таълими (соҳалар бўйича) (к.,с.)	180 киши

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2003 йил 20 июндан 20 июлгача.

Ўқишга кирувчилар учун тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан кундузги ва сиртқи бўлимларга 2003 йил 1 август куни бўлиб ўтади.

Тест синовлари:

- иқтисодиёт, менежмент ва маркетинг йўналишлари бўйича: **математика, чет тили, она тили ва адабиёт;**
- кимёвий технология, металлургия, материалшунослик ва янги материаллар технологияси, нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси йўналишлари бўйича: **кимё, математика, она тили ва адабиёт;**
- дизайн йўналишида ижодий имтиҳон ҳамда **математика, она тили ва адабиёт;**
- қолган йўналишлар бўйича: **математика, физика, она тили ва адабиёт фанларидан ўтказилади.**

Эслатма: (к.) — кундузги ўқиш шакли, (с.) — сиртқи ўқиш шакли.

Манзилимиз: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2.

Тошкент давлат техника университети.

Янги фильм тақдими

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОВЕ).

Пойтахтимиздаги Ҳиндистон Маданият марказида ҳинд киножодкорлари томонидан суратга олинган «Давр билан ҳамнафас Ўзбекистон» ҳужжатли фильмининг тақдимот маросими бўлди.

Фильмда қадимий Буюк Ипак йўли марказида жойлашган мамлакатимиз тарихи, ўзбек ва ҳинд халқи ўртасидаги қадимий алоқалар, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида эришган улкан ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Талбирда сўзга чиққанлар мазкур фильм Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари тобора ривожланиб бораётганидан далолат берувчи яна бир ишончли далил эканини таъкидлади.

Тақдимот маросимида маданият ишлари вазири Б.Қурбонов, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Ш.Сабахвал иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан жорий йилда Абдуҳалиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги кенг нишонланмоқда. Кеча Бухорода ана шундай тадбирлардан бири — «Абдуҳалиқ Ғиждувоний ва тасаввуф таълимоти» мавзусида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

Ғиждувонийга бағишланган анжуман

Вилоят ҳокимлиги ва Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу анжумани вилоят ҳокимининг ўринбосари М. Бўронов очди. Анжуманда 3. Мунавваров, Г. Наврозова, Р. Воҳидов, Н. Бекова, Г. Юнусова, М. Раҳмонова, А. Саломов, Б. Қаримов, А. Болтаев, С. Салим Бухорий, С. Азимов, М. Азимов, Д. Ортиқова, О. Тошева, М. Бердиев, Э. Зоиров, О. Шарипова каби таниқли олимлар ва истеъодли ёш тадқи-

қотчилар маъруза қилдилар.

Анжуманда Абдуҳалиқ Ғиждувоний билан Нажмиддин Кубро, Абдулқодир Жилоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Ғаззолий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Махдуми Аъзам каби алломаларнинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари ўртасида ўзига хос уйғунлик мавжудлиги таъкидланди.

Ҳалим Тўраев, Имом ал-Бухорий жамғармаси Бухоро вилоят бўлими раисининг ўринбосари.

Акциядорлик тижорат

«ПАХТА БАНК»и

барча ҳамюртларимиз учун қулай бўлган «Обод юрт» жамғарма омонатини таклиф этади.

Омонат муддати **6 ой ва 1 йил бўлиб**, муддати ва миқдорига мутаносиб равишда йилига **42 фоиздан 50 фоизгача** даромад тўланади.

Имкониятни қўлдан бой берманг!

«ПАХТА БАНК» — фаровонлигиниз калитидир!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

«Андижон АТЭК» АЖга қарашли КАМАЗ 5410 маркада, давлат белгиси 17 АФ 565 бўлган автомашинага тегишли АТ 0254631 ва ОДА3-9370 маркада, давлат белгиси 17 А 075 бўлган яримтиракмага тегишли АТ 0254684 рақамли шахарлараро юк ташини учун берилган лицензия картчакларини яқдоқлашга сабабдан БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти Ички ишлар вазирлиги академияси фалсафа кафедраси доценти Хусан Санджухаевга падали бузуқворни БЕЖОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор қилади.

Тошкент Давлат Юридик институти жамоаси институтининг собиқ ходими, юридик фанлар доктори, профессор Шавкат ДЖУМАМУРАДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик изҳор этади.

«Узтрансанаот» Республика уюшмаси кенгаши ва бошқарув аъзолари уюшма раисининг биринчи ўринбосари В.Исмоиловга акаси АЛИЖОН ИСМОИЛОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОҲОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Сидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбаров, О. Қайибегенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўттиш тартиби № 00001 Буюртма 1 — 518, 29520 нускада босилган, ҳажми — 2 тибок, Офсет усулида босилган. Қогол бичими А-2. Газета ИВМ компьютерга терилган ва операторлар жамияти ТОВАБ ва Ақбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланган.

Таҳририятда ҳафта 5 кундан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

□ Тижорат материал

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Набатчи котиб — А. Орипов. Набатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Набатчи — С. Ҳайдаров. Мусоҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5 6